

---

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДАНҒАРА ТУМАН КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Сессия ишида туман Кенгаши депутатлари, сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессияни халқ депутатлари туман Кенгашининг раиси Ш.Тожихақимов очди ва олиб борди. Сессияда “Данғара туманининг 2024 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш “йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида” туман ҳокимининг ҳисобот депутатлар эътиборига ҳавола этилди.

Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимининг ёрдамчилари фаолиятини самараси юзасидан таёрланган ҳисоботи Данғара тумани Халқ қабулхонаси мудирини Мамажонов Баҳромжон Аҳмедович томонидан ўқиб эшиттирилди.

Шунингдек, сессия давомида Мажбурий ижро бюроси Фарғона вилояти бошқармаси Данғара тумани бўлими бошлиғи томонидан «Мажбурий ижро бюроси Данғара тумани бўлими томонидан 2023-йил давомидаги фаолияти бўйича» ҳисобот бериб ўтди.

Кун тартибига киритилган бошқа масалалар кўриб чиқилиб сессия якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

---

2024-03-02 17:42:01